

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОҶИКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АКАДЕМИЯСИНИНГ  
РЕСПУБЛИКА ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**САЛИМДЖАНОВ САНГИНДЖОН**

**ШИМОЛИЙ ТОҶИКИСТОН ШАРОИТЛАРИДА ТУТ ИПАК  
ҚУРТИНИНГ ХОРИЖИЙ ЗОТ ВА ДУРАГАЙЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ  
АСОСЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИК УСУЛЛАРИ**

**06.02.04 - Ипакчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Contents of abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Салимджанов Сангинджон**

Шимолий Тожикистон шароитларида тут ипак куртининг хорижий зот ва дурагайларида фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий асослари ва технологик усуллари.....3

**Салимджанов Сангинджан**

Научные основы и технологические методы повышения эффективности использования зарубежных пород и гибридов тутового шелкопряда в условиях Северного Таджикистана.....35

**Salimjonov Sanginjon**

Scientific foundations and technological methods for increasing the effective use of foreign breeds and hybrids of silkworms in the conditions of Northern Tajikistan.....66

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....70



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОЖИКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АКАДЕМИЯСИНИНГ  
РЕСПУБЛИКА ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**САЛИМДЖАНОВ САНГИНДЖОН**

**ШИМОЛИЙ ТОЖИКИСТОН ШАРОИТЛАРИДА ТУТ ИПАК  
ҚУРТИНИНГ ХОРИЖИЙ ЗОТ ВА ДУРАГАЙЛАРИДАН  
Фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий  
асослари ва технологик усуллари**

**06.02.04 - Ипакчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Тожикистон Республикаси Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлиги ҳузурдаги Миллий патент-ахборот марказида №7028 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) докторлик диссертацияси Тожикистон Республикасининг Республика илмий-тадқиқот марказида бажарилган.

Фан доктори диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.ildau.uz](http://www.ildau.uz)) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Умаров Шавкат Рамазанович</b> кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Пасириллаев Бахтиёр Убайдуллаевич</b> кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор <b>Нематуллаева Дилорам Адилевна</b> кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим <b>Исламбекова Нигора Муртазиевна</b> техника фанлари доктори профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузурдаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.05/30.12.2019.Ох.13.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий Кенгашнинг 2023 28.10 соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00, факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [taag-info@edu.uz](mailto:taag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университетининг Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (№ 549253 рақам билан рўйхатга олинган) Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2023 йил «14» 10 да тарқатилади.

(2023 йил «26» сентябрдаги №11 рақамли реестр баённомаси.)



  
**А.Газиев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
вазифасини бажарувчи, к.х.ф.д., к.и.х.

  
**Х.А.Донаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

  
**Б.У.Насириллаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
ҳузурдаги Илмий семинар раиси,  
к.х.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда дунё ипакчилигининг ҳозирги ривожланиш босқичида тут ипак курти дурагайларини боқиш, пиллаларга дастлабки ишлов беришнинг янги юқори самарали технологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ипак хомашёсининг сифатини ошириш ва дунё ипак бозорида унинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Халқаро ипакчилик комиссиясининг (INSERCO) статистик маълумотларига кўра, «... ипак хомашёси ва маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчиси Хитой бўлиб, бозор таклифининг деярли 70% унинг улушига тўғри келади. Ундан кейинги ўринларни Ҳиндистон – 15%, Ўзбекистон – 3%, Бразилия – 2,5% эгаллайди, қолган ҳажмни Таиланд, Шимолий ва Жанубий Корея, Япония, Эрон, Тожикистон, Покистон ва Индонезия – умуман олганда дунёнинг 40 мамлакати корхоналари таъминлайди»<sup>1</sup>.

Сўнги йилларда дунё ипакчи олимлари, ипак бозори конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда, ипак йигириш фабрикаларида ипак хомашёси ишлаб чиқаришнинг янги инновацион технологияларини қўллашмоқда. Ипакчилик тармоғи ривожланган мамлакатларда сифатли пилларини ва ипак толасини етиштириш жараёнида тут ипак куртининг янги зот ва дурагайларини яратишнинг янги, илмий асосланган селекцион услублари ишлаб чиқилмоқда ва такомиллаштирилмоқда, тут плантациялари ва тўқимачилик корхоналари учун сифатли ипак хомашёси олиш мақсадида пиллаларга дастлабки ишлов бериш пунктлари яратилмоқда.

Тожикистон Республикасида ипакчилик тармоғини ривожлантириш, айниқса интенсиф типдаги янги тутзорларни барпо этиш ҳисобига пилла ялпи ҳосилини ошириш борасида муҳим чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Пиллакорларнинг биринчи даражали вазифалари сифатида «... республиканинг концепциянинг тўртинчи босқичига ўтиши, яъни аграр-саноатдан саноат-аграрга, ипакчилик тармоғини модернизация қилишда давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш учун иқтисодий ва молиявий шароитларни такомиллаштириш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва янги иш ўринларини яратиш»<sup>2</sup> белгилаб берилган. Шу муҳим муаммолар сабабли хорижий зот ва дурагайларнинг биологик ва технологик хусусиятларини, Тожикистон иқлимининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, хорижий зотлардан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ қилиш, пиллаларга дастлабки ишлов беришнинг технологик режимларига риоя қилиш ҳисобига пилла ва ипак хомашёсининг сифатини ошириш масалалари катта аҳамият касб этмоқда.

Тожикистон Ҳукуматининг 2011 йил 30 августдаги “Тожикистон Республикасининг ипакчиликни ривожлантириш ва тут ипак курти пиллаларини қайта ишлаш бўйича 2012-2020 йилларга мўлжалланган

<sup>1</sup> [www.inserco.com/stat/](http://www.inserco.com/stat/)

<sup>2</sup> Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоновнинг саноатчилар билан тармокни модернизация қилиш муаммолари бўйича учрашувидаги нутқи, 2019 йил 14 октябрь

дастури”<sup>3</sup> тўғрисидаги 409-сонли Қарори, 2019 йил 11 августдаги “Тожикистон Республикасининг ипакчиликни ривожлантириш ва тут ипак курти пиллаларини қайта ишлаш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган дастури”<sup>4</sup> тўғрисидаги 388-сонли Қарори ҳамда ушбу соҳага оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши Тожикистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг “Тожикистон Республикаси ривожланишининг аграр-индустриал йўналишдан индустриал-аграр йўналишга ўтиши” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**

Тут ипак куртининг турли экстремал иқлим шароитларига мос, адаптацион хусусиятлари юқори даражада бўлган янги зот ва дурагайлари яратиш борасида дунёнинг бир қатор етакчи илмий марказларида, жумладан, Ҳиндистоннинг Мейсури штатидаги Марказий ипакчилик илмий-ўқув институтида (CSRTI Mysuru, India), (Central Silk Board, India), Болгария Ипакчилик илмий маркази (Vratsa, Bulgaria), Япониянинг Кюшу университетиде (Silkworm-Attractive Bioresources supplied from Japan), (Kyushu, Japan) ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институти (O‘zbekiston) каби пиллачилик ривожланган давлатларда эътирофга лойиқ тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ипак куртининг турли ҳудудларига мос репродуктив, пилла маҳсулдорлик ҳамда ипак куртининг морфо-физиологик хусусиятлари юқори даражада бўлган зот ва дурагайлари яратиш йўналишида олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Тут ипак куртининг зотларини ядро полиэдрози (сарик) касаллигига чидамлилигини (иммунитетини) ошириш, инфекцияларни сунъий индукция қилиш услубиятлари яратилган (Scientific Research Center of Georgian Agriculture); пилла калибри, ипак толасининг ингичкалиги ва хом ипак чиқиши бўйича индивидуал танлаш усулини қўллаб, ингичка толали «Kinshu x Shova» саноат дурагай комбинациялари олинган (Silkworm-Attractive Bioresources supplied from Japan); зотлараро дурагай комбинацияларининг гетерозис қобиляти ва ундан табиий ҳамда сунъий озуқа муҳитида фойдаланишнинг илмий асослари аниқланган (Agrocultural University of Plovdiv), шунингдек, тутнинг Ўзбекистоннинг барча минтақалари иқлим шароитларига мос «Ўзбекистон» дурагайи ва Жарариқ навлари яратилган (Scientific Research Institute of Sericulture, Uzbekistan).

Сўнгги йилларда тут ипак куртининг маҳаллий юқори маҳсулдор зотларини жорий этиш, мавжуд хорижий зот ва дурагайлари

---

<sup>3</sup> Тожикистон Ҳукуматининг 2011 йил 30 августдаги 409-сонли “2012-2020 йилларда Тожикистон Республикасида ипакчилик ва тут ипак курти пиллаларини қайта ишлашни ривожлантириш дастури”, 2019 йил 11 августдаги 388-сонли “2022-2024 йилларда Тожикистон Республикасида ипакчилик ва тут ипак курти пиллаларини қайта ишлашни ривожлантириш дастури”<sup>4</sup>

такомиллаштириш, шунингдек, қуртларни боқишнинг янги технологияларини яратиш, ишлатилаётган жиҳозларнинг хусусиятларига кўра пиллаларни қуритиш назариясини ишлаб чиқиш зарурати туғилди ва бу мазкур ишнинг долзарблигини асослайди. Шу сабабли ушбу тадқиқот иши Тожикистон Республикасининг халқ хўжалигида катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, долзарб ва ўз вақтида бажарилган ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тожикистон Республикасининг ўзгарувчан табиий иқлим шароитига мос тут ипак қуртининг саноат дурагайларини яратиш, уларнинг биологик, пилла маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичларини яхшилаш орқали пилла ва ипак хом ашёси сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасида Ж.Жўрабаев, А.Тўхтаев, М.Изатов, Х.Жулиева ва С.Шарифовлар томонидан бир қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилган.

Шунингдек, хорижий ҳамда МДХ олимларидан Y. Banno, V.K. Rahmatulla, Y.Zhao, P.Tzenov, A.Seidavi, R.Singhлар тут ипак қуртининг тропик иқлим шароитига мос янги зот ва дурагайларини, тизимларини яратиш, таркибида оксил миқдори юқори ва нам сақлаш хусусияти иссиқ иқлимларига мос бўлган бута тут навларини яратиш йўналишларида ҳамда иссиқ иқлим шароитларига ва мўътадил худудларга мос тут ипак қуртининг мураккаб саноат дурагайларини яратиш, жинсни сунъий бошқариш, амейотик, мейотик, партеногенез, экспериментал андрогенез, жинсни бошқарувчи фойдали мутациялар олиш ва ривожланишнинг турли босқичларида танлаш усулларини қўллаш бойича Б.Л.Астауров, В.А.Струнников, Л.М.Гуламова, У.Н.Насириллаев, С.С.Леженко, А.Б.Якубов, Ш.Р.Умаров, Б.У.Насириллаев, Е.А.Ларькина ва У.Т.Данияровлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Республика бўйича бугунги кунга келиб зот ва саноат дурагайларининг турли ноқулай шароитларга мос репродуктив, пилла маҳсулдорлик ва технологик хусусиятлари юқори даражада бўлган янги авлодини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шунингдек, яратилган янги зотларнинг бир қутидан олинадиган пилла ҳосилдорлиги ва унинг сифат кўрсаткичларини ошириш йўналишида селекция ва наслчилик ишларини янада кучайтириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тожикистон қишлоқ хўжалиги академиясининг Республика ипакчилик илмий-тадқиқот марказида Р.К.Д. 0114 ТҶ00365 “Янги тут турларини жорий этиш асосида тут ипак қурти зотларининг маҳсулдорлигини ошириш” (2014-2018 йй.) ва № 0108 ДТ 760 “Пиллачилик соҳасида инновацион технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” мавзуларида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг тематик режасига асосан бажарилган (2019-2023 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** хорижий тадқиқотчиларнинг ижобий тажрибаларидан фойдаланган ҳолда тут ипак қуртини танлаш ва кўпайтиришда республика иқлимининг ўзгарувчанлигини ҳособга олиб

хорижий зотлардан самарали фойдаланиш, пиллага дастлабки ишлов беришнинг технологик усулларины такомиллаштириш ҳисобига пилла ва ипак хомашёси сифатини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ҳудудларнинг об-ҳаво шароитларидан келиб чиқиб, тут ипак қурти хорижий зотларининг маҳсулдорлигини аниқлаш;

янги селекцион зот ва дурагайларини яратиш учун тут ипак қуртининг (*Bombyx Mori L.*) зот ва дурагайларини танлаш;

Шимолий Тожикистон шароитларида хорижий зот ва дурагайларнинг биологик ва технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

пилла етиштириш агротехникасининг услуб ва усулларины такомиллаштириш;

тут ипак қуртларини боқишда тут барглари озукасидан янада тўлиқроқ фойдаланиш имкониятини назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш;

пилла етиштириш ҳажми ва сифатини ошириш, шунингдек ипак хомашёсининг сифатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

янги дурагай пиллаларининг десорбция жараёни қонуниятларини тадқиқ қилиш;

пиллаларга дастлабки ишлов беришнинг иссиқлик-физикавий шароитларини такомиллаштириш орқали пилла сифатини ошириш услублари ва усулларины ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб хорижий ва маҳаллий янги зот ва дурагайлари, турли хил хорижий зотлардан пилла олишнинг биотехнологик жараёнлари, дастлабки ишлов бериш ва ипак хомашёсининг шаклланиши хизмат қилади.

**Тадқиқот предмети** сифатида тут ипак қуртининг хорижий ва маҳаллий зотларининг биологик ва технологик кўрсаткичлари ва пиллаларнинг намлиги десорбцияси кўрсаткичлари, шунингдек тирик пиллаларни ўлдириш ва қуритишнинг гигротермик режимлари хизмат қилади.

**Тадқиқот услублари.** Тадқиқотларда умум қабул қилинган усуллардан ва А.Г.Кафиан томонидан ишлаб чиқилган синов озукаси билан боқиш услубларидан фойдаланилди, шунингдек, олинган рақамли маълумотларга тажриба материалининг экологик ва зотга доир хусусиятларини ўрганишда статистик таҳлил ёрдамида ишлов берилган (Меркурьева бўйича, 1970).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор вилоят шароитларида турли хил генотипга эга бўлган, шунингдек географик келиб чиқиши турлича бўлган 20 дан ортиқ хорижий зот ва дурагайларнинг биологик ва технологик хусусиятлари ўрганилган;

турли хил географик келиб чиқишга эга бўлган истиқболли зот ва дурагайларни таққослаш асосида селекция ишларида фойдаланиш учун энг яхшилари аниқланган;

Тожикистон ипакчилигида кичик ёшдаги тут ипак қуртларини плёнка остида марказлашлаган холда боқишга асосланган янги технология асосланган;

озуқанинг физикавий-кимёвий кўрсаткичлари ва вилоят шароитларида турли хил зотлар ипак хомашёсининг технологик хусусиятлари аниқланган;

тут ипак қуртининг зотига қараб тирик пиллаларни қуритишнинг иссиқлик физикавий ва технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

турли хил зотлар пиллаларининг десорбция жараёни ва қуртларнинг жинсини инструментал назорат қилиш услубиёти ишлаб чиқилган;

пиллаларни қуритиш жараёнида технологик кўрсаткичларини назарий жиҳатдан аниқлаш услубиёти асосланган;

пиллани лосдан тозаловчи машинада шлицанинг пилла қобиғига тегишини камайтириш учун шлицали механизм ишлаб чиқилган;

тут ипак қуртининг янги «Истиклол» дурагайи яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тут ипак қуртининг хорижий зот ва дурагайлари асосида 4 та янги селекцион тизими ишлаб чиқилди;

тут ипак қуртининг янги юқори маҳсулдор «Истиклол» дурагайи яратилиб, давлат реестрига киритилди ва Тожикистон Республикасида районлаштирилди;

стеллаж конструкцияси ишлаб чиқилди ва қуртларни марказлашлаган ҳолда боқиш услуби ишлаб чиқариш шароитларида апробациядан ўтказилди;

пиллани лосдан тозаловчи СА-70 автоматидаги шлицли валикнинг янги конструкциялари ишлаб чиқилди;

ипак қурти пиллаларини қуритишнинг оптимал режими бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

пиллаларнинг десорбцияси ва адсорбциясини аниқлаш бўйича қурилма ишлаб чиқилди ва апробациядан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажриба материалларининг биологик ва технологик кўрсаткичлари, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг таққосланганлиги, замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилганлиги, тадқиқот давомида олинган рақамли материалга вариацион статистика услубларини қўллаган ҳолда ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижалари Тожикистон Республикасининг ипакчилик саноатига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, вилоятнинг турли хил экологик ҳудудларида ипак қуртларини боқиш жараёнини бошқариш асосланди ва пилла ҳосилдорлиги оширилди, диссертация тадқиқоти натижалари ишлаб чиқариш шароитида амалга оширилди; тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тут ипак қурти турли хил зотларининг қуртларини марказлашган ҳолда боқиш бўйича ишлаб чиқилган технологиянинг вилоят ипакчиликка ихтисослаштирилган туманларнинг турли иқлим шароитларида жорий этилганлиги билан изоҳланади ҳамда пиллаларни бирламчи қайта ишлаш бўйича тавсиялар турли жинсдаги ғумбаклар сонига қараб, юқори сифатли ипак хом ашёсини ишлаб чиқаришни сезиларли даражада ошириш имконини беради, шу билан бирга, уруғларга жонлантиришдан олдин ишлов бериш ва пиллаларни қуритиш

учун мўлжалланган қуёшли қурилманинг ахборот тизими яратилган, лосдан тозаловчи СА-70 машинаси учун шлиц механизми ишлаб чиқилган ва жорий этилган, “Пиллани лосдан тозалаш ускунаси” учун АС №1736527 БИ №7-рақамли гувоҳнома олинган, тут ипак қуртларини марказлашган ҳолда боқиш жараёнининг техник ечимлари ишлаб чиқилган ва ўзлаштирилган; 01.03.2019 йилда № ТҶ 939-рақамли “Қуртларни боқиш учун ускуна”, 18.03. 2019 йилда № ТҶ 982-рақамли “Кичик ёшдаги тут ипак қуртларини боқиш усули”, “Лаборатория пиллалари намуналарига қуёш нурлари ёрдамида ишлов бериш” бўйича кичик патентлар олинган, шунингдек тут ипак қуртининг янги «Истиклол» дурагайи 2022 йилда Тожикистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Давлат нав синаш ва навларни ҳимоя қилиш комиссиясига топширилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Тожикистон шароитида тут ипак қуртининг хорижий зот ва дурагайларида самарали фойдаланишни оширишнинг илмий асослари ва технологик усулларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

“Қуртларни боқиш учун ускуна” яратилган ва кичик патент олинган (01.03.2019 йилда N2ТҶ 939-рақамли). Натижада 40 қути тут ипак қуртларини боқишда ҳар бир қутидан ўрта ҳисобда 45 кг дан тирик пилла олинган ва бунда иқтисодий самарадорлик 3400 сомонийни ташкил қилган;

кичик ёшдаги тут ипак қуртларини боқиш усули ишлаб чиқилган ва унга кичик патент олинган (18.03.2019 йилда М ТҶ 982-рақамли). Натижада вилоятнинг ипакчиликка ихтисослашган хўжаликларида (ҳар бир туманда 10 қутидан) Р-13 хорижий зотининг 70 қути тут ипак қуртлари боқилганда ҳар бир қутидан ўрта ҳисобда 51 кг дан тирик пилла олинган ва бунда иқтисодий самарадорлик 9800 сомонийни ташкил қилган;

«ВТ-Силк» масъулияти чекланган қўшма корхонаси базасида янги “Истиклол” дурагайи қуртларини боқишда тут ипак қуртларини марказлашган ҳолда боқиш услуги жорий этилган («ПИЛЛАИ ТОЧИК» ОАЖнинг 30.03.2023 йилдаги 31-сонли маълумотномаси). Юқорида келтирилган дурагайнинг 100 қути қуртларини боқиш натижасида 4600 кг тирик пилла тайёрланган, ғумбагини ўлдириш ва қуритишдан сўнг – 1736 кг қуруқ пилла тайёрланган, бу эса ҳар бир қутидан пилла чиқишини 5-10% га ошириш имкони берган, шунингдек, қуртларнинг касалланиши камайган ва озукани сезиларли даражада иқтисод қилишга эришилган. Таклиф қилинаётган услубиётни жорий этиш натижасида ҳар бир қутидан ўрта ҳисобда 46 кг дан тирик пилла олинган, соф фойда 52924 сомонийни, рентабеллик эса 25% ни ташкил этган;

Ганчи тумани хўжаликларида тут ипак қуртининг “Р-13” хорижий зотининг 180 қути қуртларини боқиш жорий этилган («ПИЛЛАИ ТОЧИК» ОАЖнинг 30.03.2023 йилдаги 31-сонли маълумотномаси). Натижада 8740 кг тирик пилла олинган бўлиб, бу бошқа хўжаликлар билан таққослаганда ҳосилдорликнинг ўрта ҳисобда 10 кг ошишига сабаб бўлган. Ҳар бир қутидан ўрта ҳисобда 48,5 кг дан тирик пилла олинган, соф фойда 14630 сомонийни, рентабеллик эса – 24% ни ташкил қилган;

«ВТ-Силк» масъулияти чекланган кўшма корхонасида “Қуртларни боқиш учун ускуна” жорий этилган («ПИЛЛАЙ ТОЧИК» ОАЖнинг 30.03.2023 йилдаги 31-сонли маълумотномаси). Натижада қуртларнинг яшовчанлиги, касалликларга чидамлилиги 25% га ошди, ипак хомашёси чиқиши –1,5 % ўсди. 50 кути қуртни парваришлашдан олинган иқтисодий самарадорлик 4050 сомониёни, рентабеллик – 21 % ни ташкил қилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва республика илмий-техник ва илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 27 та мақола Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 16 та мақола республика нашларида ва 1 та мақола хорижий журналда, шунингдек 3 та патент ва селекцион ютуқ учун 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, олти боб, умумий хулосалар ва тавсиялар, библиография рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 184 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети характерланган, мавзунинг Тожикистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган. Илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тут ипак қурти *Bombyx mori L.* зотлари ва дурагайлари маҳсулдорлигини оширишнинг илмий асослари» деб номланган биринчи бобида адабий манбаларнинг тўрт бўлимдан иборат кенг шарҳи келтирилган бўлиб, уларда Япония, Хитой, Ҳиндистон, Европа мамлакатлари, шунингдек Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари олимларига тегишли илмий маълумотлар батафсил келтирилган. Адабиётлар шарҳида ташқи муҳит шароитларининг ипак қуртига ҳамда маҳаллий ва хорижий зот ва дурагайлارнинг ҳолатига таъсири, тут ипак қуртини боқишнинг янги интенсив технологияларидан фойдаланиш, дурагай қуртларнинг ҳосилдорлиги ва пилла маҳсулдорлигини белгиловчи омиллар, пилла сифатини яхшилаш учун тут ипак қуртини боқиш жараёнларини режалаштириш ва дастлабки ишлов беришга тайёрлашнинг долзарблиги каби йўналишлардаги илмий ишлар баён қилинган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, хорижий олимлар томонидан ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ёруғлик, қуртхоналардаги ҳаво алмашинуви сингари ва бошқа ташқи муҳит шароитларининг таъсир

кўрсатиш даражасини аниқлаш бўйича чуқур изланишлар олиб борилган. Барча тадқиқотларда ушбу омилларнинг қуртларнинг яшовчанлиги, тухумларнинг жонланиши, шунингдек тут ипак қуртининг пилла маҳсулдорлигига бевосита таъсир этиши ҳақида хулосалар қилинган. Шу билан бирга маҳаллий ва хорижий зот ва дурагайларнинг ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатдики, селекционерлар томонидан дунёнинг ипакчилик билан шуғулланадиган мамлакатларининг иқлим шароитларига мослаштирилган кўплаб зот ва дурагайлари яратилган. Бунда бивольтин зот ва дурагайлари кескин ўзгарувчан шароитларда боқишнинг мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланади. Тут ипак қуртини боқишнинг янги интенсив технологияларидан фойдаланиш ипакчилик саноати учун катта миқдорда ва сифатли ипак хомашёси чиқишидаги муваффақият гаровидир. Шу сабабли тут ипак қуртини оммавий боқиш жараёнларини оқилона режалаштириш муҳим ва ипак хомашёси сифатини яхшилаш учун пиллаларга дастлабки ишлов бериш услубларини такомиллаштириш зарур.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган жойи ва шароити» деб номланган бобида тадқиқот объекти, тажрибалар ўтказилган жой ва қўлланилган услублар баён қилинган, шунингдек тадқиқотларнинг схематик тасвири келтирилган. Тажрибалар 2013-2020 йилларда Вахдат наслчилик станциясининг базасида, Хўжанд ипак қурти ишлаб чиқариш заводида, «ВТ-Силк» Хўжанд қўшма корхонасида (Суғд вилояти, Хўжанд шаҳри), Суғд вилоятининг Айний, Пенжикент, Спитамен, Дж. Расулов, Б.Ғафур, Исфара, Девашти каби ипакчилик туманларида, шунингдек Республика ипакчилик илмий-тадқиқот марказида (Республика ипакчилик тажриба станциясида) Тожикистон қишлоқ хўжалиги академиясида (Ғафур тумани Исписор қишлоқ кенгаши) олиб борилди.

Тожикистон шароитларида хорижий зот ва дурагайлардан самарали фойдаланишни оширишнинг илмий асослари ва технологик усуллари иккита йўналиш бўйича амалга оширилди:

**1-йўналиш** – ҳосилни ва пилла сифатини оширишнинг агротехнологик асосларини ишлаб чиқиш;

**2-йўналиш** – пиллаларни дастлабки қайта ишлаш жараёнининг оптимал технологик асосларини аниқлаш.

Қуртларни боқиш Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган ва ВАСХНИЛ томонидан тасдиқланган услубиёт ва унга САНИИШ Илмий кенгаши ва Ипакчилик бўйича бутуниттифок мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан тасдиқланиб киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар бўйича олиб борилди (1975). Статистик ишлов, статистик таҳлил ПКда ўртача катталикларни (М) ва стандарт хатоликни ( $\pm m$ ) ҳисоблашни ўз ичига оладиган «Statistica 6.0» амалий дастури ёрдамида амалга оширилди. Шунингдек ЎзНИИШ нинг халқ хўжалигида янги техника, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубиётидан фойдаланилди (1977).

Диссертациянинг «Турли хил тут ипак қурти зотларини қиёсий ўрганиш» деб номланган учинчи бобида хорижий зот ва дурагайларнинг агрохўжалик характеристикаларини ўрганиш бўйича олинган натижалар баён

қилинган.

Ўрта Осиё Республикалари пилла саноатида йирик ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Тожикистон Республикасида ипакчилик тармоғининг етарлича улкан инфраструктураси мавжуд. Шунга қарамасдан сўнгги 20-25 йил мобайнида тут ипак қурти уруғларини ишлаб чиқариш қийин аҳволда қолди ва саноат қурт уруғларини ишлаб чиқариш ҳажми аҳамиятли даражада тушиб кетди ва оқибатда тут ипак қурти уруғлари асосан Хитойдан келтирилади бошлади. Шу сабабли маҳаллий ипак қурти уруғларини ишлаб чиқаришни тиклаш учун истиқболли зотларнинг айрим хўжалик-қимматли хусусиятларини ўрганиш зарур.

Ипакчиликда зот ва дурагайларнинг уруғлари асосий биологик, репродуктив, технологик белгиларига кўра баҳоланади. Агар саноат дурагайларининг ота-она зотлари юқори маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичларга эга бўлса, унда дурагай уруғлари ҳам ишлаб чиқариш шароитларида юқори кўрсаткичларни намоён қилади. Айниқса, бу жиҳатдан пилла толасининг метрик рақами юқори бўлган зотлар катта аҳамиятга эга.

Хўжанд шаҳридаги «ВТ-Силк» масъулияти чекланган кўшма корхонасининг ишлаб чиқариш синов лабораторияси базасида, Ваҳдат наслчилик станциясида, Республика ипакчилик тажриба станциясида ва Сўғд вилоятининг Б.Ғафуров, Исфара, Спитамен, Дж.Расулов, Айний, Девашти, Пенжикент каби ипакчилик хўжаликларида биз томонимиздан

**1-жадвал**

**Тадқиқ қилинган хорижий зотларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари**

Зот ва дурагайлар	Масса		
	Пилла вазни, г $M \pm m$	Қобик вазни, мг $M \pm m$	Ипакчанлиги, %
Китайская 7 х 9 (назорат)	1,65 ± 0,890	375±8,5	22,72
Р-13	1,85 ± 0,700	454 ± 8,0	24,54
Pd	0,295	0,999	-
Рос7хБел2	1,9 ± 0,090	473 ± 8,9	24,80
Pd	0,344	0,999	-
Болгария1	2,0 ± 0,070	480 ± 7,4	24,00
Pd	0,347	0,999	-
Турецкий	2,0 ± 0,080	485±8,8	24,25
Pd	0,391	0,999	-
Белококонная 1 ва 2	1,72 ± 0,078	422±7,4	24,53
Pd	0,389	0,295	-
Вьетнам -1	1,45 ± 0,082	330±7,1	22,75
Pd	0,467	0,841	-
Китай -7	1,65 ± 0,075	335±7,0	20,30
Pd	0,389	0,801	-
Китай-9	1,64 ± 0,090	365±7,3	22,25
Pd	0,344	0,467	-
Иран -1	1,60 ± 0,89	370±7,1	23,12
Pd	0,242	0,333	-

2013 йилдан 2017 йилгача импорт зотларнинг биологик ва технологик кўрсаткичлари тадқиқ қилинди (1-жадвал). Вахдат наслчилик станцияси базасида ва Республика ипакчилик тажриба станциясида Р-13; Рос7хБел2 зотлари ипак қуртларини жонлантириш, боқиш бўйича апробация ўтказилган. “Р-13”, “Рос7хБел2” ва “Болгария 1”, “Турецкий” зотлари тирик наводор пиллаларининг ўртача вазни мувофиқ равишда 1,85-2,0 и 2,1-2,1 г ни ташкил қилди, қобикдаги ипак миқдори эса мувофиқ равишда 24,5-24,8 ва 24,0-24,3 фоизни ташкил қилди ва ундан юқори бўлди. Бир қути ипак қуртидан олинган ўртача ҳосилдорлик 90,2-79,8 кг ва 93,5-79,8 кг ни ташкил қилди, жонланиш эса мувофиқ равишда 97,0% дан 97,7 % гача ҳамда 97,8 дан 97,0 % гача бўлган ораликда ўзгариб турди, яъни назорат “Китай 7х9” зотидан юқори бўлди.

Зот ва дурагайлар орасида энг яхшилари “Болгария 1” ва “Турецкий” зотлари бўлиб, улар селекция учун бошланғич материал сифатида танлаб олинган эди.

1-жадвалда келтирилган рақамли маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, асосий биологик ва технологик кўрсаткичларига кўра Р-13 ва Болгария 1 зотлари Хитой зотларидан қолишмайди.

Грузин зотларининг биологик хусусиятлари 2- ва 3-жадвалларда келтирилган. Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, грузин зотлари орасида қуймадаги тухумлар миқдори бўйича Мзиури-2 – 669 дона, Мзиури 3 – 638 дона, Дигоми 1- 637 дона зотлари ажралиб чиқди. Жонланиш бўйича Мзиури 1 - 97,5 %, Мзиури 3 – 97 %, Мзиури 2 – 96 % зотлари ажралиб чиқди; бир дона тухум оғирлигининг юқори кўрсаткичлари бўйича Дигоми 4 - 0,510 мг, Мзиури 3-0,500 мг зотлари, сариқ-яшил Японский зотида бу кўрсаткич 0,34 мг ни ташкил қилди.

## 2-жадвал

### Тожикистон шароитида 2015-2016 йиллар ҳосилидаги “Грузин” зот ва дурагайларининг биологик кўрсаткичлари

Зотлар	Қуйма рақами №	Қуймадаги тухумлар сони, дона.	Жонланиши, %	Қуйманнинг вазни, мг	Бир дона тухумнинг оғирлиги, мг	Яшовчанлик, %	Қуртнинг оғирлиги, 5-ёшнинг боши ва охири, г	Боқиш давомийлиги, кунлар
Дигоми 1	1	624	86,0±2,1	349,4	0,46	85	2,16-4,17	26
	2	565	98,0±1,4	271,2	0,48	86	2,35-4,09	
	3	721	100,0±	317,2	0,44	82	2,61-4,65	
	<b>ўртача</b>	<b>637</b>	<b>94,7±1,5</b>	<b>312,6</b>	<b>0,46</b>	<b>84,3</b>	<b>2,37-4,30</b>	
Дигоми 4	1	528	88,0±1,5	264,0	0,50	90	2,33-4,33	26
	2	625	97,0±1,1	318,7	0,51	88	2,88-4,36	
	<b>ўртача</b>	<b>576,5</b>	<b>92,5±1,2</b>	<b>291,4</b>	<b>0,51</b>	<b>89</b>	<b>2,61-4,34</b>	
Мзиури 1	1	603	99,0±1,0	265,3	0,44	53	2,54-4,78	27
	2	495	96,0±1,0	183,1	0,37	76	2,07-4,68	
	<b>ўртача</b>	<b>549</b>	<b>97,5±1,5</b>	<b>224,2</b>	<b>0,41</b>	<b>64,5</b>	<b>2,30-4,73</b>	

## 2-жадвал давоми

Мзиури 2	1	697	96,0±1,0	334,5	0,48	74	1,75-3,40	27
	2	642	96±1,05	288,9	0,45	67	1,97-3,71	
	<b>ўргача</b>	<b>669</b>	<b>96±1,2</b>	<b>311,7</b>	<b>0,46</b>	<b>71</b>	<b>1,86-3,56</b>	
Мзиури 3	1	533	97±1,3	271,8	0,51	75	2,94-4,98	27
	2	743	97±1,06	356,6	0,48	74	3,20-5,01	
	<b>ўргача</b>	<b>638</b>	<b>97±1,2</b>	<b>314,2</b>	<b>0,50</b>	<b>74,5</b>	<b>3,07-5,00</b>	
Японский сариқ-яшил	1	477	92±0,88	147,8	0,31	66	2,17-4,39	26
	2	525	89±1,12	199,5	0,38	64	1,98-4,59	
	3	435	89±1,3	147,9	0,34	68	2,02-4,52	
	<b>ўргача</b>	<b>479</b>	<b>90±1,1</b>	<b>165,1</b>	<b>0,34</b>	<b>66</b>	<b>2,06-4,50</b>	
Кахетинский сариқ-яшил	1	542	98±0,99	173,4	0,32	72	1,28-3,41	26
	2	420	89±0,89	159,6	0,38	69	1,03-3,20	
	3	447	89±1,01	160,9	0,36	71	1,78-3,65	
	<b>ўргача</b>	<b>469,7</b>	<b>92±0,9</b>	<b>164,6</b>	<b>0,35</b>	<b>71</b>	<b>1,36-3,42</b>	
Ханкоу (хитой) пушти	1	498	82±1,04	204,2	0,41	63	2,70-5,01	25
	2	493	91±0,65	187,3	0,38	60	2,82-4,99	
	3	484	87±0,95	152,9	0,32	62	2,49-4,56	
	4	502	93±0,65	195,8	0,39	62	2,74-4,98	
	5	654	93±0,78	222,4	0,34	59	2,50-4,90	
	<b>ўргача</b>	<b>526</b>	<b>89±0,92</b>	<b>192,5</b>	<b>0,37</b>	<b>61,2</b>	<b>2,65-4,89</b>	

Грузия зотларининг ичида истиқболли зотлар сифатида “Мзиури-1”, “Мзиури-2”, “Мзиури-3” ва “Дигоми-4”, “Кахетинский сариқ-яшил”, “Японский” сариқ-яшил ажралиб чиқди ва кейинги тадқиқотлар учун қабул қилинди.

Россия, Болгария зотлари орасида биологик-технологик кўрсаткичлар бўйича тадқиқотларни давом эттириш учун “Р-13”, “Болгария (1)”  $V_1 * U_{35} * H_2 * M_2$ , “Болгария  $M_2 * N_2 * SN_1 * 11$ ” ва “Турецкий  $M(chinese) * N(japanese)$ ” зотлари тавсия қилинган.



1-расм. Грузия зотларининг пиллалари ва ипак хомашёси.

### 3-жадвал

#### Хориждан келтирилган зотларнинг биологик кўрсаткичлари (2013-2015 йй.)

Биологик кўрсаткичлар	Ўлч ов бир лиги	Линия 13	P <sub>c7</sub> * оқ пилла ли 2	M(chinese)* N(japanese)	H1*KK *G2*V 2	S <sub>1</sub> * H <sub>2</sub>	VB <sub>1</sub> *U <sub>35</sub> *HB <sub>2</sub> *M 2	M <sub>2</sub> *N 2*SN <sub>1</sub> *11	Китай 7*9 (назо рат)
Пилланинг ўлчами узунлиги/эни	см	3/2,5	3,1/1,8	3,05/2,0	3,2/1,8	3,1/1,8	3,0/1,7	3,2/1,8	2,6/1,5
Бир дона пилланинг вазни	г	1,79	1,78	1,73	1,30	1,22	1,21	1,19	1,35
1 г қуртлардан олинадиган пилла вазни	г	2790	2560	2650	2080	2190	2340	2300	2760
Пилла қобиғининг ипакчанлиги	%	23,40	22,34	20,86	20,0	21,47	22,15	21,30	21,08

Ушбу учинчи бобда биз томонимиздан шунингдек иқлим шароитларининг туҳум қўйишга таъсири таҳлил қилинди.

4-жадвалда ипакчилик хўжалиklarининг иқлим шароитларига мувофиқ йиллар бўйича уруғларни инкубацияга қўйиш кунлари келтирилган. Деваштич, Айний, Ашт ва Панжикент ипакчилик туманлари бир иқлим зонасида жойлашган, шу сабабли бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Олдинги энг омадли бўлиб чиққан йилларда уруғларни инкубаторийга жойлаштиришнинг аниқ муддатлари ва қуртларнинг чиқиши бўйича об-ҳаво маълумотига кўра мувофиқ тахминий тузатиш билан, шунингдек, гул ёки барг куртаклари тут дарахтидан олдин ёзиладиган ўсимликларни (бундай ўсимликлар одатда ўтмишдошлар ёки сигналчилар деб аталади) фенологик кузатиш натижасида олинган маълумотлар ўз ролини ўйнади.

### 4-жадвал

#### Сўғд вилояти бўйича ипак қурти уруғларини инкубацияга қўйиш ҳақидаги маълумотлар

	Туманлар	Йиллар, ойлар ва кунлар				
		2013	2014	2015	2016	2017
1	Исфара	9,15.04	21,26.04 5.05	23,24.04	18.03 4.04	15,20,24.04
2	Б.Ғафуров	30.03,1,7, 13.04	12,15,21.04	15,18,21, 22,24.04	18,19.03	10,11.04
3	Дж.Расулов	1,3.04	14,30.04	21,22.04	19.03	11,21.04
4	Спитамен	1,7,9.04	12,16,18.04	23,24.04	17.03	12,15.04
5	Деваштич	22.04	24.04	26.04	1.04	20.04
6	Айний	21.04	27.04	22.04	5.04	21.04
7	Панжикент	16.04	5,6.04	26.04	5.04	21.04

Ипак курти уруғларини инкубацияга қўйишдаги иқлим шароитларини таҳлил қилиш жараёнида биз томонимиздан зот ва дурагайлар ҳосилдорлигининг инкубация муддатига боғлиқлиги ўрганилди. 5-жадвалда зоналар бўйича ҳосилдорлик ва пилла вазни кўрсаткичлари келтирилган.

### 5-жадвал

#### Зот ва дурагайларнинг зоналар бўйича инкубация муддатига боғлиқ ҳосилдорлиги

Туманлар	2013		2014		2015		2016		2017	
	1 қутидан олинадиган пилла ҳосилдорлиги, кг	Пилла вазни, г	1 қутидан олинадиган пилла ҳосилдорлиги, кг	Пилла вазни, г	1 қутидан олинадиган пилла ҳосилдорлиги, кг	Пилла вазни, г	1 қутидан олинадиган пилла ҳосилдорлиги, кг	Пилла вазни, г	1 қутидан олинадиган пилла ҳосилдорлиги, кг	Пилла вазни, г
Исфара	77,0	1,70	77,7	1,74	44,0	1,38	74,1	1,74	69,93	1,57
Б.Ғафуров	72,5	1,57	77,0	1,71	37,6	1,30	70,11	1,54	71,5	1,90
Дж. Расулов	68,3	1,60	70,7	1,60	39,8	1,20	69,83	1,50	68,85	1,58
Спитамен	64,25	1,43	69,93	1,57	30,25	1,33	70,02	1,68	70,87	1,83
Деваштич	75,4	1,71	71,9	1,61	33,7	1,45	76,93	1,83	75,4	1,71
Айний	73,3	1,52	81,65	1,80	39,56	1,20	82,49	1,93	69,83	1,60
Панжикент	76,8	1,63	67,8	1,60	35,5	1,40	70,87	1,83	71,9	1,90

2013 йилдан 2017 йилгача биз томонимиздан баъзи хорижий зот ва дурагайлар лаборатория-ишлаб чиқариш шароитларида синов тариқасида боқилди («ВТ-Силк» қўшма корхонасида, Республика ипакчилик илмий тадқиқот марказида, вилоятнинг ипакчилик ривожланган туманларида). Исфара, Айний, Панжикент каби алоҳида ипакчилик хўжаликларида кўпроқ пилла ҳосили олинган, чунки бу хўжаликлар вилоятнинг тоғолди ва тоғли туманларида жойлашган. 5-жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятнинг ипакчилик туманларида бир қутидан олинган пилла ҳосилдорлиги туманлар бўйича ўртача кўрсаткичдан 25-30 кг га кўпроқ. 2015 йилда эса совуқ тушганлиги ва тут вегетациясининг кечлиги сабабли март ойининг охирида ҳаво ҳарорати кундузги – 2,5<sup>0</sup> С дан тунги - 6,3<sup>0</sup> С гача пасайиб кетди, бу эса ўтган йилларга қараганда инкубациянинг ўрта ҳисобда 10-15 кунга кечикишига сабаб бўлди, пилла ўраш пайтида эса ҳаво ҳарорати вилоят бўйича ўртача статистик кўрсаткичдан юқори бўлди ва бу қуртларнинг аҳамиятли даражада нобуд бўлишига олиб келди.

Диссертациянинг «Алохида-якка белгиларга кўра насли материални танлаб олиш усулини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида зот ва дурагайларни синов тариқасида боқиш натижалари келтирилган.

Дунё миқёсида тут ипак қуртининг турли хил минтақаларнинг иқлим шароитларига мос келадиган ҳар хил зот ва дурагайларини яратишга ҳамда тут ипак қурти уруғларини ишлаб чиқаришга янги инновацион агротехнологияларни жорий этишга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада дунё глобал иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда кескин ўзгарувчан ва оптимал иқлим шароитларига мос бўлган тут ипак қуртининг зот ва дурагайларини тадқиқ қилиш, уларни боқишнинг янги оптимал инновацион технологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек хорижий зот ва дурагайларни интродукция қилиш ниҳоятда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тожикистон Республикасининг ўзига хос иқлим шароитларига мос бўлган маҳаллий зот ва дурагайларни яратиш йўналишида маълум натижаларга эришилган. Бироқ, хориждан келтирилган тут ипак қурти зотларини Тожикистон шароитларига мослаштиришга, пилла ҳосилдорлиги, наводорлиги ва технологик хусусиятлари бўйича ўз имкониятларини оширишга йўналтирилган оптимал боқиш агротехнологияларини ишлаб чиқишга ва илмий асослашга етарлича эътибор қаратилмаган.

Сўнгги йилларда Вахдат наслчилик станциясида ҳамда Душанбе шаҳри ва Хўжанд шаҳридаги ипак қурти уруғи заводларида элита ва суперэлита уруғлари бўлмаганлиги сабабли тут ипак қуртининг саноат уруғлари ишлаб чиқарилмаган. Республиканинг эҳтиёжлари Хитойдан келтирилган уруғлар ҳисобига қондириб келинган.

Тадқиқ қилиш ва истиқболли хорижий зотларни аниқлаш мақсадида Россиядан “Р-13” ва “Рс7\*Б2” зотлари, Туркиядан – “Бурса М(CHINESE) х N(JAPANESE)” зотлари, Болгариядан “Н1хКК х G2хV2”; “S1хH2”; “VB1хVг.35 х HB2хM2”; “M2хM2 х SN1хI1” дурагайлари ва Озарбайжондан “Шчзем” зоти келтирилди. Юқорида келтирилган зот ва дурагайлардан ташқари Тожикистон шароитларида Эрон, Вьетнамдан келтирилган зотлар ва марказнинг ўз генофондидаги бир қатор тизимлар устида тадқиқотлар олиб борилди. Боқиш жараёнида тадқиқ қилинаётган зот ва дурагайларнинг асосий биологик кўрсаткичларининг натижалари олинди. Вахдат ипакчилик наслчилик станциясида 2013 йилда тут ипак қуртининг Россиядан келтирилган тажриба остидаги “Р-13”, “Белококонная-1”, “Белококонная-2” зот ва дурагайларини боқиш ташкиллаштирилди. Бу зотларнинг биологик кўрсаткичлари 6-жадвалда келтирилган. Р-13 уруғларининг жонланиши “Белококонная 1 х Белококонная 2” дурагайига нисбатан 8,9% юқори бўлди, яшовчанлиги – 0,3% га, пилла вазни – 0,2 граммга. 2014 йилда эса Вахдат ипакчилик наслчилик станциясида Болгариядан келтирилган уруғларни боқиш ташкиллаштирилди, пиллаларни чувиш эса “ВТ-Силк” қўшма МЧЖнинг пилла чувиш фабрикасида олиб борилди.

**6-жадвал**

**Вахдат наслчилик станциясида зотнинг биологик кўрсаткичлари  
(2013 йил)**

Дурагай	Куртлик даврининг давомийлиги, кун	Пилла ўраш давомийлиги, кун	1г тухумлар сони	1 г куртларнинг сони	Уруғларнинг жонланиши, %	Яшовчанлиги, %	Пилла вазни, г
*Pc-13	23	2	1710	2330	96,5±2,0 1	90,9±2,03	2,2±0,15
Белококонная 1 х Белококонная 2	23	2	1680	2180	87,6±1,5 6	90,6±2,09	2,0±0,25

\*Pd=0,346-0,542-0,862

Биз нишонланган янги зотларни яратиш учун тўртта Болгария зотларининг пилларини бошланғич материал сифатида танлаб олдик. Бу зотларнинг яшовчанлиги 80,6-83% ни ташкил қилди, пилла вазни - 2,2-2,35 г, пилла толасининг умумий узунлиги - 1375 м, толанинг метрик рақами - 3030 м/г бўлди.

